

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Термиз туманида долзарб 40 кунлик



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Термиз туман ҳокимлиги ҳудудида жойлашган ер майдонига туман ҳокимлиги, туман Ободонлаштириш бошқармаси ишчи ҳодимлари томонидан бодом кўчатлари ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳа доирасида туманда бир миллиондан ортиқ дараҳт экиш белгиланган бўлиб, ҳозирда тумандаги барча маҳаллаларда, ташкилот, идора ва корхоналарда ҳамда таълим муассасаларида бўш ер майдонларига дараҳт экиш ишлари давом этмоқда. Тадбирга кўчатлар етказиб бериш, экиш ишлари ва суғориш учун етарли техникалар жалб қилинган. Марказий кўчаларда экилган дараҳт кўчатлари ва ландшафт майдонларини суғориш учун тармоқ тортиш ишлари олиб борилмоқда.













